

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ - ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ “ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА”
ТАМОЙИЛИ АСОСИДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

Боборахимов Аброр Баҳрамович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада “Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд”, “фуқаробай” ва “маҳаллабай”, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вазифалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маҳалла раиси, профилактика инспектори, фуқаробай, маҳаллабай, давлат, жамият, жиноят ва ҳуқуқбузарлик, маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”.

Аннотация: В статье анализируются задачи “Безопасной махалли” и “Безопасной территории”, “каждый гражданин” и “каждая махалля”, гражданского общества, повышения правосознания и культуры граждан, государственных органов, общественных организаций, органов самоуправления граждан.

Ключевые слова: председатель махалли, инспектор профилактики, гражданин, район, государство, общество, преступность и правонарушение, халинский центр правопорядка, “Железная тетрадь”, “Женская тетрадь” и “Молодежная тетрадь”.

Abstract: The article analyses tasks of “Safe Mahalla” and “Safe territory”, “every citizen” and “every mahalla”, civil society, increase of legal consciousness and culture of citizens, state bodies, public organizations, citizens’ self-government bodies.

Keywords: makhalla chairman, prophylactic inspector, citizen, district, State, society, crime and delinquency, mahalla centre for law and order, “Iron notebook”, “Women’s notebook” and “Youth notebook”. Translated with www.DeepL.com/Translator (free version)

Ўзбекистон Республикаси эркин демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб, бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Такидлаб ўтиш лозимки фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги ва мустахкамлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Маҳаллаларда хуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Хусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш орқали хуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш амалиёти жорий этилди. “Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини бераётгани биз учун катта аҳамиятга эга.

Фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимиға таянган, ўзини ўзи бошқариш механизmlаридан иборатdir. Бу механизmlарни эса, асосан жамоат бирлашмалари, жамоат тузилмалари ташкил этади.

Шу боисдан, мамлакатимизда маъқул, истиқболли, яхши самара берадиган жамият қуриш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланди ва давлат органлари ўз ваколатларини босқичма-босқич жамоат бирлашмаларига бериб бориши принципи асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ишлар белгилаб олинди ва амалга оширилди. Жумладан, бу жараён Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида нормалари билан мустахкамлаб қўйилди. Конституциянинг “Жамоат бирлашмалари” деб номланган XIII-бобининг 56-62-моддаларида уларнинг мақоми белгилаб берилди, хусусан мазкур нормаларда давлат жамоат бирлашмларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг уларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги, қонун олдида tengлиги, жамоат бирлашмлари фаолиятини тақиқлаш факат суд қарори асосида амалга оширилиши борасидаги қоидалар белгиландики, шуларнинг ўзи маҳалла институуни мустақил фаолият юритиши кафолатини белгилаб беради [1].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди. Қонуннинг З-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчасига фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқкан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир деб қўрсатиб ўтилганлиги ҳам бунинг исботидир [2].

Фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, тартибли муносабатлар тизимиға таянган, ўзини ўзи бошқариш механизмларидан иборатдир. Бу механизмларни эса, асосан жамоат тузилмалари ташкил этади. Жамоат тузилмалари ичида маҳалла фуқаролар йиғини, қисқача айтганда, маҳалланинг ўрни бекиёсдир.

Давлат ва жамият аъзоларини ватанпарвар, миллий ва умумисоний қадриятларга хурмат қилиш руҳидаги тарбиялашда миллатнинг менталитетини, тарихий анъаналарга содиқлигини кўрсатувчи мезонларни белгилаб беради.

Демак, маҳалла миллий ижтимоий феномен сифатида миллий ва умумисоний ғояларнинг халқ ишончи эътиқодига айланнишида муҳим институтлардан бири ҳисобланади. Негаки, инсонларнинг яшаш муҳити ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муҳити барқарорлигини халқ ишонч эътиқодига айлантиришда муҳим аҳамиятга эгалиги билан бошқа ижтимоий институтлардан ажралиб туради. Маҳалла ўз навбатида жамият аъзоларининг эркин ва фаровон турмушини яхшилашда имконият, восита ролини бажарса, иккинчи томондан, ишончига айланниш даражасини кўрсатувчи дастлабки ижтимоий макон ҳисобланади.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол ғояси умумисоний ва миллий қадриятларга таянади, бу эса ўз навбатида маҳалланинг ролини кўрсатиб беради ва инкор эти бўлмайдиган ҳақиқатдир.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қуйидаги миллий хусусиятлар қайд этилган:

- халқимиз ҳаётидаги қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-кўй, умуман жамоатга юксак хурмат-эътибор;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага - хурмат, кичикка - иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт агадийлигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром;
- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо” [3].

Юқоридаги тушунчалар эса халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, бағрикенглигини, бошқаларга нисбатан ҳурматда бўлиш каби инсоний хислатларни улуғланишини кўрсатиб беради.

Ҳар қайси давлат ўзи учун маъқул, истиқболли, яхши самара берадиган жамият қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Яъни давлат органлари ўз ваколатларини босқичма-босқич жамоат тузилмаларига ўтказиш асосий

принцип деб белгиланади. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйиши, фуқаролик жамияти институлари, хусусан, маҳалланининг давлат бошқарувидаги ролини оширишни талаб этади.

Маҳалла институтини ривожлантириш, унинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мунтазам равишда таъкидлаб бу борадаги фикрларини билдириб келмоқда.

Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда алоҳида вазифалар юклатилиши аҳамиятлидир.

“Айни пайтда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг қўламли профилактик тадбирлар туфайли 1 минг 243 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади [4].

Маълумки, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада ҳар бир фуқаро онгида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган туйғуни шакллантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга [5].

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўймоқда [6].

Ислоҳотларнинг бугунги босқичида маҳалланинг мавқеини тубдан ошириш, тизим иш фаолиятини самарали ташкил этиш, уни том маънода халқчил тузилмаган айлантиришга қаратилган эзгу саъй-харакатлар амалга оширилдики, бунинг натижасида бугунги кунда маҳалла гузари – одамлар шунчаки келиб кетадиган идора эмас, балки аҳолини ислоҳотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилмага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармонда маҳалланинг мустақил фаолият юритишини янада яхшилаш ва такомиллаштиришни асосий мақсад этиб белгиланди ва уни қабул

қилинишида қуидаги муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш лозимлиги күўрсатиб ўтилди:

- биринчидан, фуқаролар йиғинларига хос бўлмаган функцияларнинг уларга юклатилиши;
- иккинчидан, маҳалланинг қуий идоралар билан тизимли ҳамкорлигининг йўлга қўйилмаганлиги;
- учинчидан, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам қўрсатишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги;
- тўртинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар самарали натижа бермаётганлиги;
- бешинчидан, юқоридиги камчиликлар жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий қўрсатаётлиги.

Давлатнинг маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишида давлат ёрдамини қўрсатилишини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Мазкур вазирликнинг ташкил этилиши биринчидан, маҳалла фуқаролар йиғининг мустақил фаолият юритишини таъминлаш, иккинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона органнинг ташкил этилиши илан уларнинг фаолиятига бошқа давлат органларининг аралашувига барҳам бериши, учинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, яхшилаш, тўртинчидан, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига хос бўлмаган мажбуриятларини олиб ташлаш ва натижада маҳаллаларда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида жамият хаётидаги энг муҳим вазифаларини самарали бажаришга имкониятларнинг яратилганлигидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳалла тизимини ривожлантириш ва жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий этишнинг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланади.

Қуидагилар:

а) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳалла тизимини ривожлантириш ва жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини жорий этишнинг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланади ва унда қуидагилар назарда тутилади:

- жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслакдоши ва кўмақдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини ошириш;

• хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;

• жамият ва оиласда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш;

• маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

• фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва профилактика (катта) инспекторларининг роли ва мавқеини янада ошириш, мустақиллиги ҳамда ваколатларининг амалий самарадорлигини таъминлаш;

• соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ходимларнинг меҳнатини муносаби рағбатлантириш ва моддий-техника таъминотини яхшилаш.

б) Концепцияни 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харита”си тасдиқланади.

Концепция тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган “Йўл харита”си орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилади [7].

2020 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигига жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирларига бағишлиб ўtkazilgan видеоселектор йиғилишида юртимизда хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тартибини жорий этиш, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ни шакллантириш, бу орқали хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқиши, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш вазифалари белгиланган эди.

Шунингдек, Президентимиз маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, маҳалла ходимлари ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарликдан хабардор бўлиши, ушбу салбий ҳолатни жиноят содир этган шахснинг ота-онаси билан муҳокама қилиши кераклигини ҳамда бундан буён маҳалла тизими ходимларининг ойлик маоши ҳудудда жиноятчилик жиловлангани, “Темир дафтари”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари” билан ишлашдаги натижаларга қараб оширилишини қайд этди [8].

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган ушбу топшириқ ҳамда вазифаларнинг хаётга тўла татбиқ этилиши натижасида маҳалла тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, одамлар дардини тинглаш,

тизимдаги мавжуд муаммоларга ечим топиш, оилавий ажримлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш каби муҳим вазифаларни тўла-тўқис бажариш, соҳада меҳнат қилаётган фидойи ходимларга зарур шарт-шароитлар яратишга, албатта, эришилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуи бўгинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қўйидагилар белгиланди.

- ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

- ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

- «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

- ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилди.

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуи бўғини ҳисобланди;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилди;

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши

курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланди.

Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиши жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқилди [9].

Хулоса қилиб қилиб айтганда, ислоҳотларнинг бугунги босқичида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ноёб миллий тизим яратилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат жиноятчиликка қарши курашнинг бош йўналишига, балки мамлакатдаги барча давлат идораларининг устувор вазифасига айланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услублари тубдан ўзгартирилди, хусусан қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар қўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ушбу идораларнинг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Таклифлар:

1

Оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва уларни содир этувчи шахсларнинг ҳулқ-автори ва қилмишини «Ярасhtiриш комиссияси» ва жамоатчилик олдида муҳокама қилиш амалиётини кучайтириш, шунингдек оиласида низоли вазиятларни келтириб чиқараётган ҳамда оғир оқибатларга олиб келаётган сабаб шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларнинг барвақт профилактикаси борасида жамоат тузилмалари ҳамкорлигини

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Конунининг 9 ва 21-моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимиға қўшиш ҳамда 191-моддада уларнинг ваколатларини белгилаб бериш.

3. Маҳалла фуқаролар йигинларида маҳалла ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳар ойлик ҳисботларини эшлиш амалиётини киритиш.

4. Маҳалла фуқаролар йигинларига ҳудудда ободонлаштириш қоидалари бузилганлиги ҳолати ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан корхона, ташкилот ва муассасаларга тақдимномалар киритиш тартибини жорий этиш.

5. Маҳалла фуқаролар йигини раиси ва профилактика инспектори ҳамкорликда маҳаллани асосий кириб чиқиши қўчаларига ҳамда криминоген

вазият юқори бўлган жамоат жойларга хомийлик ва маҳаллий бюджетдан HD кўзатув камераларини ўрнатиб МФЙ раиси ва профилактика инспекторининг мобил телефонида кузатиб ва назорат қилиб туриш механизмини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси// www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири// www.lex.uz.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 49-бет.
4. Президент: олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилмоқда // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 21.11.2017).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони. // www.lex.uz.
6. Ички ишлар органлари таянч пунктларида фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 254 б.
7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-куватлаш, маҳалла тизимини ривожлантириш ва жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамоилини жорий этишнинг 2020 — 2024 йилларга мўлжалланган концепцияси.
8. 2020 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигига жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирларига бағишлиб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-6196-сонли Фармони. // www.lex.uz.